**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма хуқуқида

УДК 338.98.333.01.339.08(584.4)

УМИРЗАКОВА МЎЪТАБАРХОН НОДИР ҚИЗИ

# “Аграр сиёсат ва озик-овкат хавфсизлигини таъминлаш заруряти”

5А2330103-МАКРОИКТИСОДИЁТ МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА

**МАГИСТРЛИК АКАДЕМИК ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: проф. Эгамбердиев Ф.Т

ТОШКЕНТ 2014

бетлар

**Кириш**........................................................................................................ 3

**1-БОБ. АГРАР СИЁСАТ ВА ОЗИК-ОВКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ МАЗМУНИ ВА ХАЛКАРО ТАЖРИБА**

1.1. Аграр сиёсатни назарий услубий асоалари.................................. 7

1.2. Озиқ-овқат хавфсизлиги: мазмуни вахалкаро тажрибалар........................................................................................ 16

**2-БОБ. УЗБЕКИСТОНДА ОЗИК-ОВКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ**

2.1 Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат таъминоти………… 26

2.2 Мамлакатда озик овкат хавфсизлиги борасидаги сиёсатни амалга оширишда давлатнинг роли............................................ 35

2.3 Республика иктисодиётининг аграр сохасидаги узгаришлар тахлили........................................................................................................ 44

**3-БОБ. ОЗИК-ОВКАТ ХАВФСИЗЛИГИ: ОЗИК-ОВКАТНИНГ МАВЖУД БУЛИШИ, УНИНГ ЕТАРЛИГИ ВА СИФАТИ**

3.1 Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш тузилмасини диверсификациялаш................................................ 51

3.2. Республикадаагросаноатмажмуинимодернизацияқилиш ватехнологикянгилаш ..................................................................... 57

**Хулоса ва таклифлар**........................................................................... 64

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**................................................... 66

## Кириш

**<u>Магистрлик иши мавзусининг  долзарблиги</u>**. Озиқ – овқат хавфсизлиги миллий иқтисодий хавфсизлик тизимида муҳим ўрин тутади. Ҳар қандай мамлакатда озиқ–овқатга бўлган эҳтиёж унинг фуқаролари эҳтиёжларининг бирламчиси бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аҳолини озиқ –овқат билан таъминлаш, уларнинг эҳтиёжларини тўлиққондириш, озиқ –овқат маҳсулотларининг сифатини яхшилаш масалалари доимо эътиборда турадиган масалалардандир. Мамлакатда, у ривожланган бўладими, ёки ривожланаётган бўладими, озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлаш миллий иқтисодиёт ривожланишига, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоларини ҳал этишга, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамланишига катта таъсир кўрсатади. Озиқ–овқат хавфсизлигини таъминлаш қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланганлик даражасига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичларига боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Ушбу соҳанинг ривожланиши эса ўз навбатида иқлим шароитларига, табиий омилларга маълум даражада боғлиқдир.

Озиқ – овқат хавфсизлиги ва уни таъминлаш масаласи бевосита иқтисодий хавфсизликни таъминлаш билан чамбар-час боғлиқдир. Таъкидлаш жоизки, озиқ – овқат хавфсизлиги муаммосини ҳар томонлама ҳал этилиши мамлакат аҳолисининг фаровон ҳаётини таъминлаш, турмуш даражасини ошириш, сифатли озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги даврда озиқ –овқат хавфсизлиги дунё миқёсида глобал муаммога айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам унинг ўрганилиши иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, инсоннинг тўйиб овқатланишга ва очликдан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқи 1948 йилда қабул қилинган инсон

ҳуқуқлари тўғрисидаги Ҳалқаро билл ва 1966 йилда қабул қилинган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Инсоннинг бундай ҳуқуқлари 1989 йилда қабул қилинган болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда ва бошқа халқаро ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган.

Мутахассисларнинг фикрича, дунё иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар озиқ-овқат маҳсулотларига нархларни ошишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи жуда кўп мамлакатларнинг миллий сиёсатидаги устуворликлари қаторидан ўрин олмоқда. Бундай ҳолат ушбу масалага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Мана шу ҳолат битирув–малакавий иши учун мавзу танлашимизга асос бўлди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси**. Озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари кўплаб хорижлик ва мамлакатимиз олимлари томонидан кенг ўрганилган ва хозирда ҳам ушбу масалаларга жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Озиқ – овқат хавфсизлиги миллий хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик тизимининг таркибий қисми сифатида бутун дунёда шу муаммолар билан шуғулланувчи олимларининг эътиборини тобора кўпроқ тортмоқда. Ўзбекистонда эса миллий хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, озиқ – овқат хавфсизлиги муаммоларини ҳал этишнинг илмий ва амалий жиҳатлари, Ўзбекистонда озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлаш омиллари ва истиқболлари республиканинг иқтисодчи – олимлари – Т.Ахмедов, Х.Абулқосимов, Р.Алимов, И. Искандаров, А.Ишмухамедов, А.Исаходжаев, А.Исажонов, А.Расулев, А. Ортиқов, Д.Тростянский, Д. Темиров, А. Хўжабековлар томонидан ўрганилган.

**Магистрлик ишининг мақсади ва вазифалари**. Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини ўрганиш асосида уларни ҳал этиш

борасидатаклифлар ишлаб чиқиш битирув – малакавий ишнинг мақсади бўлиб ҳисобланади.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, ундақуйидаги **вазифалар** ҳал этилди:

-озиқ-овқат хавфсизлигининг иқтисодий хавфсизлик тизимида тутган ўрни кўрсатиб берилди;

- республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг роли кўрсатиб берилди;

- Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳозирги кундаги ҳолатининг таҳлили амалга оширилди;

- агросаноат мажмуини модернизация қилиш ва технологик янгилаш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари сифатида кўриб чиқилди.

**Магистрлик ишининг предмети.** Озиқ-овқат хавфсизлиги ни таьминлаш борасида вужудга келувчи мунасабатлар йигиндиси ишнинг предмети бўлиб ҳисобланади.

**Магистрлик ишининг объекти.** Ўзбекистон Республикаси агросаноат комплексига кирувчи корхона ва муассасалар ишнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

**Магистрлик ишининг назарий ва услубий асослари.** Иқтисодчи олимларнинг ўрганилаётган муаммоларга бағишланган илмий ишлари, илмий адабиётлар, дарсликлар, матбуотда эълон қилинган илмий мақолалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларидаги муаммога тегишли фикр ва мулоҳазалар битирув–малакавий ишнинг назарий ва услубий асосини ташкил этади. Унда Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, турли меъёрий хужжатлар, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди. Ишни тайёрлашда

статистик методлар, гуруҳлаш, иқтисодий ва қиёсий таҳлил, таққослаш усуллари қўлланилди.

**Магистрлик ишидагиянгилик элементлари ва ишнинг амалий аҳамияти.**

Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоларни ҳал этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар, айрим боблардан битирув малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертацияларини тайёрлашда, «Иқтисодий хавфсизлик» фанидан маърузалар ўқиш ва амалий дарслар ўтишда фойдаланилиши мумкинлиги ишнинг амалий аҳамиятини кўрсатади

Магистрлик иш кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Магистрлик ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, ўрганилганлик даражаси кўрилган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган.

Магистрлик ишининг биринчи бобида АГРАР СИЁСАТ ВА ОЗИК-ОВКАТ ХАВФСИЗЛИГИ: МАЗМУНИ ВА МОХИЯТИ куриб чикилди.

Ишнинг иккинчи бобида Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат стратегияси кўриб чиқилди. Ушбу бобда мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ислоҳотлар ва бунда давлатнинг ролини очиб бериш масаласига алоҳида аҳамият берилди. Ўзбекистонда озиқ – овқат хавфсизлиги кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили амалга оширилди.

Тадқиқот ишининг учинчи бобида ОЗИК-ОВКАТ ХАВФСИЗЛИГИ: ОЗИК-ОВКАТНИНГ МАВЖУД БУЛИШИ, УНИНГ ЕТАРЛИГИ ВА СИФАТИ кўриб чиқилган. Унда Ўзбекистонда озиқ–овқат хавфсизлигини таъминлаш воситаларидан самарали фойдаланиш, агросаноат мажмуасини ривожлантириш асосий йўналишлар сифатида таклиф этилган

# 1-БОБ. АГРАР СИЁСАТ ВА ОЗИК-ОВКАТ ХАВФСИЗЛИГИ: МАЗМУНИ ВА ТАЖРИБА

## 1.1 Аграр сиёсатнинг назарий асослари

Ижтимоий йўналтирилган барқарор, эркин бозор иқтисодиётига, кучли демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш мақсадида республиканинг барча соҳаларида, жумладан, қишлоқ хўжалигида улкан ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ислоҳотлар давлат раҳбарлигида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Даставвал, қишлоқ хўжалигида эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини мустаҳкам барпо этилишини, юритилишини таъминлаш қобилиятига эга бўлган ҳуқуқий асоси яратилиб, ривожлантирилмоқда. Бунга республика Олий Мажлиси Сенати томонидан қабул қилинган қонунлар, Президентнинг Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари яққол далил бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг: “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”, “Мулк тўғрисида”ги, “Ижара тўғрисида”ги, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Инвестициялар тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, “Меҳнат кодекси”, “Ер кодекси”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар) тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги; янги таҳрирда, “Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва

тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари ва бошқалар, соҳани ислоҳқилишнинг ҳуқуқий асосини яратади.

Яратилган ҳуқуқий асос негизида қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ислоҳотларнинг моҳияти ниҳоятда муҳим қуйидаги ҳолатларни шакллантиришга қаратилгандир:

-қишлоқ хўжалигини эркин бозор иқтисодиёти талаблари асосида бошқаришни барпо этиш, такомиллаштириш;

-мулкчиликнинг турли хилдаги шаклларини барпо этиб, самаралисини ривожлантириш;

-қишлоқда бозор мулкий муносабатларини барпо этиш, ривожлантириш ва эркинлаштириш;

-тармоқда турлича мулкчиликка асосланган субъектларни барпо этиш, уларга эркин фаолият кўрсатиш учун зарур шароитлар яратиш;

-қишлоқда мулкдорлар синфини яратиш, уларнинг мулкий онгини юксалтириш;

-барча турдаги иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш;

-аҳолининг даромадининг ўсишини таъминлаш;

-қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш;

-

тармоқдақишлоқхўжаликмаҳсулотлариниишлабчиқаришдатаркибийўзг аришинитаъминлаш;

-аҳолини, қайта ишлаш саноатини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни юксалтириш, рағбатлантириш;

-аҳолини ижтимоий жиҳатдан таъминланганлигини яхшилаш ва бошқалар;

-ўтиш даврида уларни таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигида ер, сув, мулк, ташкилий-таркибий, молия-кредит, солиқ, нарх, инвестиция ҳамда инновация ва бошқа ислоҳотлар ўзаро боғлиқҳолда амалга оширилмоқда.

Ер, сув ресурсларига эгалик қилишнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида “Ер... сув... умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”[1]- деб таъкидланган. Республиканинг жами ер майдонига умуммиллий бойлик, давлат мулки сифатида эгалик қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Олий Мажлис зиммасига юклатилган. Олий Мажлис томонидан ўз ваколатидаги ер муносабатларининг айрим масалаларини ҳал қилишни халқ депутатлари қишлоқ, шаҳар, поселка, туман ҳамда вилоят кенгашлари ва уларнинг ижроия қўмитўлари зиммасига юкланган. Улар ер кодекси ва бошқа қонунларга асосланган ҳолда ерлардан оқилона самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида фойдаланувчиларга маълум муддатга ҳақ тўлаш эвазига фойдаланиш учун бермоқдалар, чекланган миқдордаги ерларни ким ошди савдосида сотмоқдалар. Демак, улар ер ислоҳотини амалга оширишга маъсулдорлар. Ислоҳот натижасида республикада яшаётган фуқароларга умрбод фойдаланиш учун 650 минг гектарга яқин ер берилди. Шунинг билан биргаликда 2005 йилнинг 1 июлига 121,6 мингта фермер хўжаликларига 3666,4 минг гектар ер узоқ муддатга (30 йилдан 50 йилгача) фойдаланиш учун ижарага берилди. Улар ердан фойдаланаётганликлари учун ер солиғини тўлайдилар.

Шу даврда чекланган миқдордаги ер бино-иншоотлари билан биргаликда хусусий мулк сифатида сотилган. Демак, ер ислоҳоти: узоқ

---

[1]Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1993.

муддатга ижарага, умрбод фойдаланишга бериш ҳамда сотиш орқали амалга оширилмоқда.

Демак, келажакда қишлоқ хўжалигида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини фермер хўжаликлари етиштириб беради, лекин, шунинг билан биргаликда эркин рақобат асосида бошқа мулкчиликка асосланган корхоналар ҳам фаолият кўрсатиш имкониятига эгадир.

Республикада қишлоқ хўжалик тармоғини бошқарилишини самарали бўлишлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги ташкилий ислоҳотлар амалга оширилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакат қишлоқ хўжалигини ҳамда у билан боғлиқ бўлган тармоқларни бошқариш билан:

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Вазирлиги, Республика мелиорация ва сув хўжалиги Вазирлиги, Ўрмон хўжалиги Вазирлиги, "Мева сабзавот узум саноати" акциядорлик жамияти, Давлат сув хўжалиги қурилиши қўмитаси;

Давлат ер ресурслари қўмитаси, "Ўзгўштсаноати" акциядорлик жамияти ва бошқа ташкилотлар шуғулланганлар. Булар бошқаришни бозор иқтисоди талаблари асосида самарали бошқарилишини таъминлай олмадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг фаолиятини уйғунлаштириш натижасида бошқарилиши қулай бўлган ихчам Вазирликлар, компаниялар ҳамда давлат қўмитўлари шакллантирилди. Ҳозирги даврда Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги, Республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Ўзмевасабзавотузум холдинг компанияси, Ўзқишлоқмашлизинг компанияси, Ўздонмаҳсулот акциядорлик компанияси, Ўзагромашсервис компанияси ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатмоқдилапр. Уларни келажакда янада такомиллаштириш талаб этилади.

Ташкилий ислоҳотлар билан биргаликда таркибий ўзгартиришлар ҳам амалга оширилмоқда. Республикада пахта яккахокимлигининг

салбий оқибатларига барҳам бериш мақсадида пахта экиладиган майдон қисқартирилиб, ўрнига асосан ғалла экила бошланди.

Шунинг натижасида ғалла ишлаб чиқариш миқдори 2005 йилда 6 млн. тоннага етказилди. Ғалла мустақиллиги сиёсатининг амалга оширилиши республика аҳолисини дон маҳсулотларига бўлган талабини тўлиққондирди.

Қишлоқ хўжалик субъектларининг фаолиятларини ривожлантириш, унинг самарадорлигини юксалтириш мақсадида тармоқда молия, кредит, солиқ ва баҳолар ислоҳоти амалга оширилмоқда. Мустақилликкача қишлоқ хўжалик корхоналари асосан давлат бюджетидан ажратилаётган маблағҳисобидан молиялаштирилган. Улар етиштирган барча маҳсулотларни давлат томонидан марказдан ўрнатилган харид нархларда асосан давлатнинг вакил ташкилотлари томонидан сотиб олинган. Бунда уларга ўз маҳсулотларини сотишда мустақиллик, яъни эркинлик берилмаган. Ўша йилларда хўжаликларга турли хилдаги кредитларни белгиланган тартибда давлат банки берган. Сабаби бошқа банклар бўлмаган. Қишлоқ хўжалик корхоналари 8 та хилдаги солиқларни белгиланган ставкаларда талаб келганлар. Тармоқда эркин бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида нодавлат мулкчилигига асосланган субъектларни молиялаштириш тартиби тубдан ўзгарди.

Уларнинг фаолиятини молиялаштириш асосан ўзларининг маблағлари эвазига амалга оишрилмоқда. Унинг манбаси бўлиб маҳсулот етиштириб сотиш, хизмат кўрсатиш натижасида олаётган пул даромадлари, асосий воситаларнинг эскириши оқибатида шаклланаётган амортизация фонди, ишлаб чиқариш воситаларини сотишдан олинаётган пул тушумлари ҳамда уларнинг фойдалари ҳисобланади. 2004 йилдан бошлаб, давлат буюртмалари миқдоридаги пахта ҳамда ғаллани ишлаб чиқариш учун зарур бўлган маблағлар

давлат тижорат банклари томонидан бериладиган имтиёзли кредитлар эвазига қопланмоқда. Шу манбалардаги маблағлар етишмаган ҳолларда қишлоқ хўжалик корхоналари давлат, тижорат банкларининг, хориж давлатларининг нодавлат корхона, ташкилотларнинг, хомийларнинг ва бошқаларнинг вақтинча бўш бўлган маблағларини жалб этмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигида ирригация-мелиорация ишларини, экологик тадбирларни амалга оширишга маълум миқдордаги маблағ давлат бюджетидан ажратилмоқда. Лекин бу маблағлар таъкидланган ишларни тўлиқ амалга оширилишини таъминлай олмайди. Шунинг учун келажакда қишлоқ хўжаликдаги молия-кредит ислоҳотларини янада кенгайтириб, чуқурлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжаликкорхоналаритомониданетиштирилаётганпахтахомашёсинингҳамдағалланинг 50 фоизигадавлатбуюртмаларимавжуд. Уларнидавлаттомониданбелгиланганҳариднархларда, қолганқисмини, шунингдек, бошқамаҳсулотларниэркин, келишилганнархлардахоҳлаганмиқдордаэркинсотишимкониятигаэгалар. Бужараёнқишлоқхўжаликмаҳсулотларинингмаълумдаражадаэркинлашганлигидандалолатберади. Лекиндавлатхариднархлариичкиважаҳонбозоридагинархларданпаст. Аммоқишлоқхўжаликсубъектларитомонидансотиболинаётгансаноаткорхоналарнингмаҳсулотларинингэркиннархларийилсайинюқорисуръатлардаошиббормоқда. Оқибатдақишлоқхўжаликмаҳсулотларинингнархибилансотиболинаётгансаноатмаҳсулотларинингнархлариўртасидаломутаносибликмавжуд.

Шунинг натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан яратилаётган соф фойданинг тўлайгина қисми саноат корхоналарнинг ихтиёрига ўтиб кетмоқда. Бу масалани ижобий ҳал этиш учун давлат

томонидан мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Улар барча қатнашчиларнинг ўзаро манфаатларини эътиборга олган бўлиши лозим.

Аграр тармоқда амалга оширилаётган ислоҳотлар тармоқҳамда мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Бу ҳақда республика Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма Мажлисидаги маърузасида қуйидаги фикрларини билдирганлар. “Аваламбор, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди... Қишлоқ  хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йили 10,1 фоизга ошди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизими тубдан ўзгармоқда, фермерлик қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўринни эгалламоқда”[1],- деб якун ясаган. Лекин, эришилган натижалар ҳозирги ўсиб бораётган талабни тўлиққондира олмайди. Шунинг учун ҳам аграр тармоқда амалга оширилаётган “бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш”[2] асосий устувор вазифа эканлигини Президент томонидан белгиланган. Энг асосий устувор вазифа мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиб беришдир.

Уни ҳал этиш мақсадида қишлоқ хўжалигини модернизация этиш натижасида тармоқни янада юқори суръатлар билан ривожлантиришни таъминлаш зарур. Бунинг учун қишлоқ хўжалигидаги хусусий тармоқни устувор даражада ўсишини таъминлашга эришиш лозим. Бунинг билан биргаликда “... кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш

[1]Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни медернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. 68-70-бетлар.
[2]Шу манбанинг 76-б.

борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш"[1] аграр ислоҳотининг устувор йўналиши деб белгиланган. Уларни ижобий ҳал этилишини таъминлашга қаратилган аниқ чора тадбирлар ҳам белгиланган. Фермерликни устувор суръатларда ривожлантириш учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш:

-давлат тузилмаларининг қишлоқда тадбиркорлик, кичик бизнес субъекти ҳисобланган фермерлик фаолиятига аралашувини янада чеклаш;

-фермерларни тандер асосида танловини ўтказиш, уларга ер ажратиш ишларини ошкораликда, барча қонунлар талаби асосида адолатли тарзда амалга ошириш, тендер комиссиясининг аъзолигига етук, тажрибали, билимдон, ҳалол маънавиятли раҳбар, мутахассисларни жалб этиш, унинг фаолиятини тўлиқ компьютерлаштириш;

-фермерларга узоқ муддатга фойдаланиш учун ажратиб берилаётган ерларнинг сифатини яхшилаб, унумдорлигини юксалишини таъминлашга қаратилган тадбирларни ўз вақтида сифатли амалга оширилишини таъминлайдиган миқдорда маблағларни давлат бюджетидан ажратиш имкониятларини яратиб бериш;

-айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланаётган давлат буюртмасини ривожланган давлатларда қўлланилаётган ўзаро манфаатли давлат дастурлари билан алмаштириш;

-фермерлик фаолиятини молиялаштириш, кредитлаштириш ишларини соддалаштириш, шартларининг юкини юмшатиш, муддатларини ва ставкаларини ўзаро манфаатли бўлишини таъминлаш;

-фермерлик фаолиятида зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларини эркин сотиб олиш ва ўз маҳсулотларини мустақил сотиш

---

[1]Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни медернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. 82-бет.

учун бозорларга чиқиш (нақд пулларини ўз вақтида олиш) имкониятларини кенгайтириш;

-фермерларга барча турдаги хизматларни кўрсатадиган субъектларни ташкил этиш бозор инфратузилмасини шакллантиришни, уларни моддий ресурслар ва техникалар, кадрлар билан таъминлаш билан боғлиқ бўлган жараёнларни жадаллаштириш;

-фермер хўжаликлари тўлаётган солиқ ва тўловлар мазмунини, тартибини ҳамда ставкаларини қайта кўриб чиқиш;

-фермер хўжаликларига чет эл инвестицияларини жалб этиш масалаларига кўмаклашиш ва бошқалар мақсадга мувофиқдир.

## 1.2 Озиқ-овқат хавфсизлиги: мазмуни ва халкаро тажрибалар

Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси биринчи бор 1974 йилда Жаҳон озиқ-овқат саммитида таклиф қилинган бўлиб, “озиқ-овқат истеъмолининг барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ва нархларнинг ўзгаришларини қоплаш учун асосий озиқ-овқатларнинг дунёда етарли жамғармалари ҳар доим мавжудлигини” англатади. [3] Кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва тўйимлилиги ҳамда шахсий ҳоҳишларни ҳам инобатга олиш мақсадида озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси кенгайтирилди. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида мавжуд замонавий адабиётда 200 дан ортиқ тушунча ва 450 кўрсаткич мавжуд[4]. (1.1-киритмада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (фАО) томонидан белгиланган кўрсаткичлар келтирилган). Озиқ-овқат хавфсизлигига оид кўп тушунчалар ва кўрсаткичлар мавжудлигига қарамай, мазкур ғоянинг ўта муҳимлигини ҳамма эътироф этган.

1996 йилда Жаҳон Озиқ-овқат хавфсизлиги саммити озиқ-овқат хавфсизлигини шарт сифатида белгилади: “...барча одамлар ўз озиқланиш эҳтиёжлари ва шахсий ҳоҳишларига биноан ҳамда фаол ва

---

[3]Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. 1975. Жаҳон озиқ-овқат конференцияси ҳисоботи, Рим, 5–16 ноябрь 1974 йил. нью-Йорк (United Nations. 1975. Report of the World Food Conference, Rome 5–16 November, 1974. New York). 2 Hoddinott (1999) FSA (Россия) ва Maxwell, S. & Smith, M. 1992.Уйхўжаликларнингозиқ-овқатхавф- сизлиги: ғоявийизланиш. In S. Maxwell & T. R. Frankenberger, eds. Уйхўжаликлариозиқовқатхавфсиз- лиги: ғоялар, кўрсаткичлар, ўлчовлар: техниктадқиқот. ньюЙорквaРим:

[4]ИфАД (Hoddinott (1999) FSA Russia and Maxwell, S & Smith, M. 1992. Household food security: a conceptual review. In S. Maxwell & T. R. Frankenberger, eds. Household Food Security: Concepts, Indicators, Measurements: A Technical Review. New York and Rome: UNICEF and IFAD).

соғлом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига жисмонан ва иқтисодий жиҳатдан эга бўла олиши.” [5]

2001 йилда озиқ-овқат хавфсизлиги ғоясига жисмоний ва иқтисодий имкониятдан ташқари ижтимоий имконият тушунчаси ҳам қўшилди.

Ҳозирги ФАО белгилаган тушунча мазкур қўшимча жиҳатни қуйидагича акс эттиради: “барча одамлар одамлар ўз озиқланиш эҳтиёжлари ва шахсий ҳоҳишларига биноан ҳамда фаол ва соғлом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларини эга бўлиш учун жисмонан, иқтисодий ва ижтимоий имкониятларга эгалиги озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланди деганидир”. [6]

1.1-киритма.

*ФАО нинг жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлиги кўрсаткичлари*

*1. Жаҳондаги ғалла жамғармаларининг истеъмолга нисбатан кўрсаткичи: жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун 17–18% зарурдир.*

*2. Жамғармаларнинг бешта асосий экспортерларга бўлган талабларга кўрсаткичи.*

*3. Бешта асосий экспортерлардаги ўз ички истеъмоли ҳамда экспортга нисбатан захиралари.*

*4. Уч асосий импортерларда донли экинлар ҳосили (Хитой, Ҳиндистон ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги).*

[5]ФАО. 1996. Жаҳондаозиқ-овқатхавфсизлигитўғрисидаРимДекларациясиваЖаҳонозиқ-овқатсаммити
чораларрежаси. Жаҳонозиқ-овқатсаммити 1996 йил 13–17 ноябрь. Рим (FAO. 1996. Rome Declaration on World
Food Security and World Food Summit Plan of Action. World Food Summit 13–17 November 1996. Rome).

[6]ФАО. 2002. Жаҳондаозиқовқатхавфсизлигитаъминланмагани 2001. Рим (FAO. 2002. The State of Food
Insecurity in the World 2001. Rome).

*5. Кам даромадли ва озиқ-овқат танқис бўлган мамлакатларда (КДОТМ) донли экинлар етиштирилиши.*

*6. Ҳитой ва Ҳиндистондан бошқа КДОТМларда етиштирилган маҳсулот.*

*Манба: ФАО. 1999. Қишлоқ хўжалиги бозорлари ва озиқ овқат хавфсизлигига Уругвай раундининг*

*таъсирини баҳоси. CCP 99/12 Rev. Рим, ФАО. октябрь 1999*

ФАО мутахассислари фикрига кўра озиқ-овқат хавфсизлиги жиҳатидан аҳвол озиқ-овқат хавфсизлиги кўрсаткичлари, таъминот барқарорлиги, эга бўлиш имконияти ва соғломлиги билан белгиланади.[7] Улар қуйида батафсил белгиланган.

Барқарорлик: озиқ-овқат таъминоти узилмаслиги учун аҳоли, оила ёки алоҳида шахс ҳар доим озиқ-овқатга эга бўла олиши лозим. Улар кутилмаган ҳодисалар (ма-салан, иқтисодий ёки иқлимий бўҳрон) ёки циклик ҳодисалар (масалан, иқлимий озиқ-овқат танқислиги) туфайли озиқ-овқатдан узилиб қолмаслиги лозим.

Озиқ-овқат мавжудлиги: зарур сифатли озиқ-овқат маҳсулотларининг зарур миқдорда ички ишлаб чиқариш ёки импорт орқали (шу қатори озиқавий кўмак) таъминоти. Озиқ-овқат мавжудлигининг энг кўп қўлланилувчи воситаси калорияларда ҳисобланувчи жон бошига кундалик энергия сарфидир (КЭС). фАО услубларига кўра КЭС кўрсаткичи озиқ-овқат балансига асосланган озиқа истеъмоли турига биноан ҳисобланади. фАО муайян товарларни озиқ-овқат таъминотининг турли манбалари (ишлаб чиқариш, жамғармалар, савдо) ва маҳсулотлардан турли мақсадларда фой- даланишга (ёки истеъмол) (ем, уруғлик, саноатда фойдаланиш, чиқитлар) оид маълумотлардан фойдаланиб, озиқ-овқат балансларини ҳисоблайди. [8]

---

[7] ФАО. 2006. Озиқ-овқатхавфсизлиги. Таҳлилий мақола, 2 нашр, 2006 йил июни (FAO. 2006. Food Security. Policy Brief, Issue 2, June 2006).

[8] Ф АО (2003) Россия Федерациясида озиқ-овқат хавфсизлиги. Рим (FAO (2003) Food Security in the Russian Federation. Rome).

озиқ-овқатга эга бўла олиш: тўйимли озиқланиш учун зарур озиқаларга эга бўлиш мақсадида зарур ресурслардан фойдаланиш учун жисмоний, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлар. Озиқ-овқатнинг жисмоний таъминоти озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчилар талаб қилган миқдор ва танловда бозорда мавжудлиги ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун инфратузилма бўлишини назарда тутади. Иқтисодий имконият аҳолининг барча ижтимоий қатламлари етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга қурби етишини билдиради. Бошқача айтганда, иқтисодий имконият уй хўжаликлар озиқ-овқат хариди учун етарли даромадга эгалиги ва мамлакат озиқ-овқат импорти учун етарли хорижий валютага эгалигини билдиради.[9] Ижтимоий имконият маданият ёки диндан қатъи назар, бутун аҳоли одилона тарзда озиқ-овқат таъминланишини англатади.

Фойдаланиш: мувофиқ озиқланиш, тоза сув, санитария ва соғлиқни сақлаш орқали озиқ-овқат истеъмол қилиш билан барча физиологик эҳтиёжлар қондирилувчи ҳолатга етиш.

Бирор кўрсаткичга етишмаслик озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси пастлиги ёки озиқ- овқат етишмаслигига олиб келади. Озиқ-овқат етишмаслиги шундай вазиятки, аҳоли ме- ъерда ўсиш, ривожланиш ҳамда фаол турмуш тарзи учун зарур бўлган хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқатларни етарли миқдорда ололмайди. Озиқ-овқат етишмовчилиги ёки озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси пастлиги аҳоли орасида

[9]Сигот, A. J. (1998).СаҳроиКабирданжанубдаАфрикадаозиқ-овқатхавфсизлиги: давлатванодавлатташ- килотларроли. HUGG халқаросимпозиуми, Дурбан, ЖанубийАфрика (Sigot, A. J. (1998). Food Security in sub- Saharan Africa: the role of governmental and nongovernmental organizations. HUGG International Symposium, Durban, South Africa).8 фAO (2004) Жаҳондаозиқ-овқатхавфсизлигитаъминланмагани 2004.Рим (FAO (2004) The State of the Food Insecurity in the World 2004.Rome) 9 http://www.unicef.org/media/media_45490.html 10 фAO (2004) Таҳлилиймақола. The State of the Food Insecurity in the World 2004. Rome) 9

қониқарсиз озиқланишга олиб келиб, у ўз навбатида одамлар, оилалар ва бутун халқ учун жиддий оқибатларга олиб келади.

**Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда халқаро тажрибалар**

Дунёнинг кўп мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш қишлоқ хўжалиги ва савдо тармоғида стратегия ва дастурларнинг татбиқига боғлиқ. Уларни тўртта гуруҳга бўлиш мумкин:

- Ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш сиёсати;
- Савдо сиёсати;
- Истеъмолни қўллаб-қувватлаш стратегиялари;
- ва Озиқа моддалар таъминоти дастурлари.

Бундай дастурлар бир бирини чекламаган ва кўп мамлакатларда бир вақтда амалга оширилганини таъкидлаш лозим. Уларқуйидатаҳлилқилинган.

- Ишлабчиқаришниқўллаб-қувватлашсиёсати

Йигирманчиасрнингиккинчиярмида "Яшилинқилоб" номибилантанилганэкинларҳосилдорлигибирданюксалишижараёниша рофатибиланозиқ-овқатишлабчиқаришҳажмианчаошди (1.3-киритмадатавсифланган). фАОмаълумотларигакўра 1960 ва 2000 йилларорасидабуғдойҳосилдорлиги 208 фоизгаошдиҳамдашоли, маккажўхоривакартошкаҳосилдорлигитегишлиравишда 109, 157 ва 78 фоизгаошди. [10]

**1.2-киритма: Яшилинқилоб**

*ЯшилИнқилоб 1943 йилдаМексикадаРокфеллерЖамғармасиваМексикааҳукуматинингқишлоқ хўжалигисоҳасидагидастурибиланбошланган. ДастурдаАҚШвамексикаликтадқиқотчиларбуғдойвамаккажўхорнингҳо силдорлигиюқоринавларибилансиновўтказишган.*

---

[10]фАО (2005) фАОСТАТ

*УстуворваюқориҳосилдорбуғдойнавлариниетиштирганнорманБорлаугэнгкаттаютуққаэришди.*
*ИлмийишбиланбирқатордаМексикаҳукуматиқишлоқхўжалигиинфратузилмасиниривожлантириб, янгинавлиуруғларнитарқатди. Мамлакатдағаллаҳосилдорлиги 15 йилдавомидаучбараварошди. 1951–56 йиллардаМексикағаллаби-ланўзинитўлиқтаъминлаб, экспортқилишнибошлади. Борлаугишлабчиққануслу-бларКолумбия, Ҳиндистон, Покистон, Шриланкавафилиппиндакенгтатбиққилинди.*

*“Яшилинқилоб” атамасиЮСАИДсобиқдиректориУильямгаудтомонидан 1968 таклифқилинган.гаудмазкурёндашувниагротехникавийуслубларваинфратузилмаданова-торлик, янгиёндашувлар, заруркредитлар, ваасослангaнстратегияданиборатдебтав- сифлади. Асосийтехнологикқисмларянгинавлаpуруғлари, кимёвийўғитларвақишлоқхўжалигизараркунандаларигақаршикурашданиборатэди.*
*Иқтисодий фойда анча катта бўлди. Масалан, уруғлик, ўғитлар ҳамда пестицидлар/герби- цидлар учун сарфланган ҳар бир доллардан эль-сальвадорлик фермерлар 3,50 дан 7,5 дол- ларгача фойда кўришди. 1 Бундай ҳолларда қишлоқда даромадлар ўсди. Ҳосилдорикни ошириб, чиқимларни камайтирувчи технологиялар шарофати билан охирги 30 йил даво- мида Осиё ва дунёнинг бошқа жойларидаги ҳақиқий озиқ-овқат нархлари доим пасайиб келмоқда. Арзон озиқ-овқат айниқса камбағаллар учун афзал, чунки бойларга нисбатан улар ўз даромадининг каттароққисмини озиқ-овқат учун сарфлашади.*

*“Яшил инқилоб” озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган фан ва давлат дастурлари ҳамкорлигининг муваффақиятли мисолидир. Кўп мамлакатларда ҳукумат турли навлар ва уруғлик таъминотини қўллаб-қувватлайди,*

*суғориш тизимларини ривожлантирди ва кимёвий ўғитларни таъминотини субсидия қилади. Қишлоқ хўжалиги синов-намойиш дастурлари фермерларга янги навлар уруғлари, минерал ўғитлар, пестицидлар таъминоти билан бир қаторда ушбу инқилобнинг ижо- бий натижалари кенгроқ татбиққилинишини қўллаб-қувватлади. фан ютуқлари татбиқи, ноу-хауни такомиллаштириш ҳамда минерал ўғитларнинг самарали қўлланилиши Осиё ва лотин Америкасидаги кўп мамлакатларга ўз аҳолисини озиқ-овқат билан таъмин- лашда долзарб масалаларни ҳал қилишга имкон берди.*

## 1.3-киритма. корея республикасининг қишлоқ хўжалиги соҳасида сиёсати

*Корея Республикаси қишлоқ хўжалигининг асосий вазифалари мамлакатдаги асо- сий озиқа воситаси бўлган гуручнинг ички таъминоти етарлилиги ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда уй хўжаликлари даромадлари тенглигини таъминлашдир. Ҳукумат мазкур мақсадларга ҳосилни кўпайтириш ва истеъмолни камайтиришга интилди. Етиштиришни кўпайтириш учун давлат ички ишлаб чиқарувчилар учун мақбул нархларни белгилаб, им- порт қилинувчи товарлар учун юқори тўсиқлар киритди. Шоли, арпа, маккажўхори, соя ва тамакининг мамлакатда етиштирилиши субсидия қилинди. Импортга нисбатан баланд тўсиқлар шоли, арпа, сабзавот, мева етиштирувчи ва чорвадорларни ҳимоя қилишди. лекин буғдой, ем учун ғалла, мойли ўсимликлар, терилар ва пахта импортига нисбатан савдо тўсиқлари жорий этилмади.*

*Ҳосилнинг ўртача 26 фоизини баландроқ нархда харид қилиш орқали (1990–1997 йиллар- даги каби) давлат гуручнинг харид нархини мувофиқлаштиради. 2000 йилга келиб давлат хариди шоли ҳосилининг 17 фоизигача пасайди. Ишлаб чиқарувчиларни нархлар орқали қўллаб-қувватлаш ва импортни чеклаш ички бозорда жаҳон бозорига қараганда*

*юқорироқ нархлар шаклланишига олиб келди. Бу эса истеъмолни камайишини рағбатлантирди.*

*Халқаро шартномаларга биноан 1980 йилларда импортга нисбатан чекловлар қадам бақадам бекор қилиниб, мамлакат бозорларини хорижий ишлаб чиқарувчиларга очиб берди. Импорт қилинган гуруч қайта ишлаш учун мўлжалланган бўлиб, юқори сифатли маҳаллий гуруч бевосита истеъмол учун талабни қондириши лозим эди. 2001 йил 1 январдан бошлаб Корея барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортини эркинлаштир- ди ва гуручдан ташқари барча озиқ-овқатларга нисбатан тарифлар чегарасини белгила- ди. 1239 тоифадаги товарлар учун ўртача тариф 64,8 фоизни ташкил қиларди.*

*1994 йилда ҳукумат 50 млрд долларга тенг бўлган беш йиллик қишлоқ хўжалигини қайта тузиш дастурини бошлади. гуруч ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш стратегиясидан фарқли ўлароқ янги дастур ресурсларни қайта тақсимлаб, бошқа соҳалар, жумладан то- вар экинлар ҳамда қишлоқ жойларда инфратузилма ва маркетингни ривожлантириш- га қаратди.*

*Охирги йилларда Кореяда гуруч истеъмоли ишлаб чиқаришга қараганда тезроқ камай- ди. Ундан ташқари импорт қилинган гуруч ички бозорда маҳаллий гуруч билан рақобат қилади. гуруч кўплиги ва Жаҳон савдо ташкилоти талаблари туфайли ҳукумат гуручни сунъий баланд нархларда харид қилиш амалиётидан воз кечди. гуруч мамлакат захиралари учун бозор нархида сотиб олинади ва аҳолига ҳам чегирмасиз бозор нархида сотилади.*

*Ушбу шароитда фермерларни ҳимоялаш мақсадида давлат уларга қонунга кўра ҳар хил компенсация турларини таклиф қилади. Биринчидан, ҳар йили фермерлар ўз шоли дала- ларини эккани учун ҳар гектарига тахминан 600 доллар олишади. Иккинчи компенсация гуручнинг ички бозордаги нархи давлат белгилаган даражадан пастга*

*тушса, улар ёрдам пули олишади. Бундай ҳолатда фермерлар нархнинг фарқини 85 фоизини олишади. Яна бир чора гуручнинг ҳаддан ташқари кўп етиштирилишини олдини олишга қаратилган. фермерлар кетма-кет уч йил давомида далани тижорат мақсадида экишмаган бўлса ҳар гектар учун 3000 доллар олишади.*

*Манба: АҚШҚишлоқ хўжалиги департаменти. Иқтисодий тадқиқотлар хизмати. Брифинг хоналари. Жанубий Корея сиёсати*

### *1.4-киритма. бангладешда озиқ-овқат сиёсати*

*Фан ва техника тараққиёти ва халқаро савдо Бангладешга аҳоли учун озиқ-овқат хавфсиз- лигини таъминлашга ёрдам берди. Бугунги кунда бошқа мамлакатларда фарқли ўлароқ Бангладешда қишлоқ хўжалиги Жанубий Осиёда энг очиқ бўлиб, энг кам субсидия олади.*

*1974 йилда Бангладешда гуруч ва буғдой ҳосили 11,7 млн ва 0,11 млн. тоннани ташкил этарди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат кўмаги натижасида янги ҳосилдорлиги юқори навлар киритилди. Ҳукумат яна қишлоқ хўжалигида бозор муносабатлари учун шароит яратиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари бозорда белгиланишига имкон берди. Суғориш тизимига киритилган хусусий сармоялар янги навларни жорий этиш ва суғоришга асосланган шоликорликнинг ривожланишини таъминлади. Ўғит таъминоти тизими хусу- сийлаштирилиб, ўн йил давомида ўғитлардан фойдаланиш уч баравар ошди. Шу сабаб- ли 2000 йилга келиб шоли ва буғдой етиштириш 23,1 млн. тонна ва 1,8 млн. тоннага етди.*

*Ишлаб чиқаришни юксалтиришдан ташқари эркин савдо сиёсати Бангладешда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшди. Ҳукумат қишлоқ хўжалиги учун аксарият субси- дияларни бекор қилиш, импортларга нисбатан миқдорий чекловларни бекор қилиш ва та-*

*рифларни пасайтириш орқали озиқ-овқат импорти сиёсатини эркинлаштиришга эриш- ди. Савдони эркинлаштириш туфайли хусусий сектор озиқ-овқат маҳсулотларини иш- лаб чиқаришдаги етишмовчиликни импорт орқали қоплай олади. Масалан, 1998 йилдаги тошқинлар туфайли ҳосил камайиб, озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги пайдо бўлди. Хусусий сектор Ҳиндистондан 185 млн. доллар эвазига 2,26 млн. тонна ғалла импорт қилиш орқали жавоб чораси кўрди. Мазкур чора озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлади, озиқ- овқат маҳсулотлари нархларини барқарорлаштирди ва аҳоли учун озиқ-овқат таъминоти чиқимларидан ҳукуматни халос қилди. Озиқ-овқат импортида хусусий секторнинг ҳиссаси 1991 йилдаги ноль фоиздан 1996 йилга келиб 50 фоизга етди ва 2000 йилда 100 фоизга етди.*

*Манба: гордон Уэст, 2002 йил май ойи, "Бангладешда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги: муваффақият тарихи", Экономик Перспективс. АҚШ Давлат Департаментининг электрон журнали, 7 том, № 2. (EconomicPerspectives.*

# 2-БОБ. ОЗИК-ОВКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШ ЗАРУРИЯТИ ВА УЗБЕКИСТОНДА ОЗИК-ОВКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ

## 2.1Ўзбекистон республикасидаги озиқ-овқат таъминоти

Озиқ-овқат хавфсизлигининг асосини ички ишлаб чиқариш ёки импорт ҳисобидан етказиб бериладиган керакли сифатга эга етарли озиқ-овқат ҳажми ташкил этади. Мамлакат миқёсида озиқ-овқат таъминоти, одатда, озиқ-овқат балансида ифодаланади (2.1-киритмадаги изоҳга қаранг). Озиқ-оқат ишлаб чиқарилиши ҳажми уларнинг экспорти/импортини ҳисобга олганда мамлакатнинг умуман озиқ-овқат билан таъминланганлиги кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

*2.1-киритма. озиқ-овқат баланси*

*Мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлиги одатда озиқ-овқат балансида (ООБ) ифодаланади. ООБ мамлакатнинг муайян давр ичида озиқ-овқат би- лан таъминланишининг ҳар томонлама манзарасини очиб беради, бунда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сотиш ва улардан фойдаланишга оид маълумотлар бир*

*жойга жамланади. ООБ мамлакатнинг озиқ-овқат билан таъминланиши соҳасидаги вази- ятни, шунингдек, мамлакатнинг импортга қарамлик даражасини (ички истеъмол ҳажмида импорт коэффициентини) батафсил ўрганиб чиқишга ёрдам беради.*

*Истеъмол қилиш имконияти бор катталиклар фойдаланиш ҳажмига нисбатан тузатиш киритилган таъминотнинг умумий ҳажмига кўра ҳисоблаб чиқилади. Таъминотнинг уму- мий ҳажми — бу мамлакатда ишлаб чиқарилган, импортнинг умумий ҳажмига қўшилган ва заҳираларга нисбатан тузатилган озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий ҳажмидир. ООБ да кўрсатилган фойдаланиш, экспорт қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини — чорвани боқишга, уруғларга, озиқ-овқат маҳсулотларига солинадиган қўшимчаларга, шу- нингдек сақлаш ва транспортда ташиш пайтида йўқотилган миқдорга, шунингдек, чакана савдо даражасида озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида сарфланган ҳажмларни англатади. Қатор йиллар давомида жадвал шаклида умумлаштириб келинаётган йиллик озиқ-овқат баланслари миллий миқёсда умумий озиқ-овқат таъминоти тенденцияларини намоён этади, истеъмол қилинадиган маҳсулотлар турида, яъни рацион схемасида рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни очиб беради ҳамда бутун мамлакат миқёсида озиқ-овқат таъминоти овқатланишга бўлган эҳтиёжни қондириши даражасини аниқлайди.*

*ФАО мутахассислари Ўзбекистон учун 1992–2003 йиллар бўйича ООБ ни ҳисоблаб чиқишди. Янги ҳисоб-китоблар мавжуд эмас.*

*Манба: ФАО, 2008. «Озиқ-овқат баланслари ва озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини тадқиққилиш: методологиялар ва натижаларни қиёслаш». http://www.fao.org/ES/ESS/consweb.asp;ФАО (олинган) 2008, ФАОСТАТ. http://www.faostat.fao.org/site/395/default.aspx.*

Дунёда 2008 йилда бошланган иқтисодий инқироз даврида озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган талаб ошиб кетди. Ҳозирда ҳам бундай ҳолат давом этаётганлиги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни янада ортишига сабаб бўлмоқда.

Шунга асосан республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, асосан қишлоқ жойларда замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида республика хукумати томонидан бир қатор қарор ва дастурлар қабул қилинди

**Жумладан:**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги **1047 – сонли** "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори;

- Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича **ҳудудий дастурлар** (паррандачилик, балиқчилик; асаларичилик, иссиқхоналар ва мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш);

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги **1442 – сонли** "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори;

- Қайта ишлаш корхоналари, фермер хўжаликлари ва бошқа ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили Ҳукуматнинг

қарорларига асосан **"Агроминитех-экспо"** савдо кўргазмаси ташкил этилади

Пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хом ашё базаси яратилмоқда.
Етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларни қайта ишлаш натижасида қуйидаги самарадорликка эришилди

қишлоқ жойларида саноат ривожланиб тегишли инфраструктура яхшиланади;

- янги иш ўринлари яратилади ва қишлоқ аҳолисини иш билан таъминланиш даражаси ортади;
- хом-аёга нисбатан қўшимча даромад олиш кўпаяди;
- ички бозорларда тайёр озиқ-овқат маҳсулот турлари кўпаяди ва экспорт салоҳияти ортади.

Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, сифатли, импорт ўрнини босадиган, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳоли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш мақсадида, соҳада фаолият юритаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарига қуйидаги **имтиёзлар** белгиланган асосий фаолият тури гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкасини **50 фоизга** камайтириш (2012 йилни 1 январигача);

- гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари,

ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиш.

- Ихтисослаштирилган "Мевасабзаволлтайёрловсавдо" компанияларини ягона солиқ тўлови тўловидан озод қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг **1442-сон**қарорига кўра, 2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш мақсадида дастурга киритилган лойиҳаларга республикада ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, материаллар ва бутловчи буюмлар 2016 йилнинг 1 январига қадар муддатга божхона тўловлари тўлашдан озод этилган.

Қабул қилинган қарорлар, ишлаб чиқилган дастурлар ва яратилган имтиёзлар натижасида бугунги кунда республикада **265 та** гўштни, **396 та** сутни ва **166 та** мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсатиб ва республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда озиқ-овқат саноатининг улуши 2010 йилда **12,6%** ни ташкил этди

Таҳлилларга кўра, республикада 2010 йилда **9044,0 минг тонна** мева-сабзавот ва узум, 1**461,4 минг тонна** (855 минг тонна сўйилган вазнда) гўшт, **6168,9 минг тонна** сут ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан **547,8 минг тонна** мева-сабзавот ва узум, **28,5 минг тонна** гўшт, **412,5 минг тонна** сут маҳсутлари **саноат усулида**қайта ишланган

Натижада улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари 2010 йилда 2008 йилга нисбатан қуйидагича

- Мева-сабзавот консерваси - **119,8%;**
- Мева-сабзавот шарбати – **111,7%;**
- Томат пастаси – **111,0%;**
- Виноматериал – **100,0%**;
- Қуруқ мевалар – **124,7%;**
- Колбаса маҳсулотлари – **514,3%;**

- Гўшт консерваси – **105,3%;**
- Сут ва сут маҳсулотлари – **110,4%;**
- Пишлоқ – **141,7%;**
- Сариёғ – **177,3%** га ўсишга эришилди.

2011 йилга келиб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг сони янада ошиши кутилмоқда, жумладан гўштни қайта ишлаш корхонаси **322 та**, сутни қайта ишлаш корхоналари **466 та,**мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарисони **213 та** ва сут қабул қилиш сервис пунктлари сони **276 тага** етиши кутилмоқда

Шунингдек 2011 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари ўсиши кутилмоқда, жумладан:

- гўштни қайта ишлаш корхоналарининг қуввати **71,9 минг тоннага** етиб2010 йилга нисбатан 12,9 минг тоннага**;**
- сутни қайта ишлаш корхоналарининг қуввати **703 минг тоннага** етиб2010 йилга нисбатан 44,5 минг тоннага**;**
- мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарининг қуввати **977,3 минг тоннага** етиб 2010 йилга нисбатан 109 минг тоннага кўп бўлиши кутилмоқда.

Кейинги йилларда йирик корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан 2007-2010 йиллар мобайнида

“Ўзпахтасаноат” уюшмасига қарашли **33 та** корхонада **(128,2 млрд. сўмлик);**

- “Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати” уюшмаси тасарруфидаги **25 та** корхонада **(53 млрд. сўмлик);**
- “Ўздонмаҳсулот” компанияси тасарруфидаги **41 та** корхонада **(95 млрд. сўмлик)**;

- “Ўзвинсаноат-холдинг” компаниясига қарашли **29 та** корхонада **(64,2 млрд. сўмлик)** модернизация ва реконструкция ишлари қилинган.

Республикада қайта ишлаш саноатини ривожлантиришда қўлга киритилган ютуқлар билан биргаликда бир қатор камчилик ва муаммолар мавжуд

республика ҳудудларининг **23 та** туманида гўшт, сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган корхоналар мавжуд эмас;

- қайта ишлаш корхонали ва хом-ашё етиштирувчи фермер хўжаликлари ўртасида шартномаларни тўлиқ бажарилмаслиги;
- қайта ишлаш қувватлари хом-ашё базасига қараб бир текисда жойлашмаганлиги.

Республикада 2011-2015 йилларда саноатнинг қайта ишлаш тармоғини янада ривожлантириш бўйича дастур қабул қилинмоқда

Бунда: 2011-2015 йилларда

- **142 та** гўштни қайта ишлаш корхонаси қўшимча **25,2 минг тонна**қувват;
- **159 та** сутни қайта ишлаш корхонаси қўшимча **65,6 мингтонна** қувват;
- **189 та** мева-сабзавотни қайта ишлаш корхонаси ва қўшимча **89,7 минг тонна**қувват ташкил этилади.

2011-2015 йилларда қайта ишлаш корхоналарини янгидан қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш мақсадлари учун

- янгидан ташкил этиладиган **507 та** лойиҳа учун жами **202,2 млрд. сўм** шундан, ўз маблағлари ҳисобидан – **115,6 млрд. сўм** ва банк кредитлари ҳисобидан – **86,6 млрд. сўм**;
- реконструкция ва модернизация қилинадиган **192 та** лойиҳа учун жами - **45,7 млрд. сўм**, шундан, ўз маблағлари ҳисобидан **– 16,8 млрд.**

**сўм** ва банк кредити ҳисобидан – **28,9 млрд сўм** маблағ сарфланиши кутилмоқда.

Бундан ташқари қиш-баҳор мавсумида республика аҳолисини асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида “2011-2015 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг базасини ривожлантириш” Дастури қабул қилинди.

Ушбу дастур доирасида 2011-2015 йилларда худудларда жами 120,8 минг тонна сиғимга эга янги музлаткичли камералар қуриш ва 49,1 минг тонна мавжуд музлаткичларни модернизация қилиш белгиланган. Шу жумладан 2011 йилда 40,1 минг тоннага мўлжалланган 52 та янги ва 19,2 минг тонналик 31 та мавжуд музлаткичларни модернизация қилиш кўзда тутилган

2011-2015 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш бўйича белгиланаётган тадбирлар қуйидагилардан иборат

- Ҳудуларда янги музлаткичли камералар қуриш, реконструкция ва мавжудларини модернизация қилиш чоралари асосан, ТИАИСВ ва “Узулгиржисавдоинвест” ҳудудий корхоналари ҳамда вилоятлардаги фермер хўжаликлари, хусусий ва бошқа корхоналар томонидан амалга оширилади;
- Республика бўйича - жами **120,8 минг тонна** сиғим янгидан қуриш ва **49,1 минг тонна** сиғим модернизация қилиниши кузда тутилмоқда;
- Янги қурилиш ва мавжудларини модернизация қилиш мақсадлари учун жами - **218,9 млрд. сўм** шундан, ўз маблағлари ҳисобидан **80,6 млрд сўм** ва банк кредитлари ҳсиобидан **138,3 млрд. сўм** маблағ сарфланиши белгиланмоқда;
- Маҳсулотлар сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида, совутиш ва омбор асбоб-

ускуналари, бутловчи буюмлар ва материаллар, ортиш ва тушириш техникалари божхона тўловларидан озод қилинган.

Шунингдек, саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг мақсади экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни янада рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, жумладан республиканинг кичик бизнес ва йирик корхоналари ўртасидаги саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашишдан иборат.

